



« 29 » июль 2021-ж.

№ 02-01/03-3475

« _____ » _____ 2021 у.

Барча туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши кўрсатмасига биноан, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот-технологиялари технологик парки - IT Парк дирекцияси томонидан йўлланган 2021 йил 26 июлдаги 33-03-1/916-сонли хати талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, “Бир миллион дастурчилар” лойиҳасини ўқувчи ёшлар ва уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар орасида янада кенг тарғиб қилиш ҳамда ушбу лойиҳа доирасида вазирлигимизнинг вилоят бошқармалари ўртасидаги ЭНГ ЯХШИ кўрсаткичларга эга(17 780 та битирувчи сертификати) ҳудудлар каторидаги фахрли 2-ўрнини сақлаб қолиш ва унданда юқори поғонага кўтаришга эришиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар амалга оширишингизни сўраймиз.

Бунда, ўқувчи ёшларимизни “Бир миллион дастурчилар” лойиҳасига янада қизиқтириш ва, шу орқали, лойиҳа иштирокчиларини, кейинчалик эса битирувчи сертификати эгалари сонини кескин кўпайтириш мақсадида, лойиҳанинг бугунги кундаги аҳамияти ва келажакда ундан кутилаётган натижалар ҳақида, барча соҳаларда рақамли технологиялар, электрон тизимлар кенг жорий қилинаётгани, рақамлаштириш бўйича ҳар-хил дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиляётгани ва, яқин йиллар ичида, бу ишларни амалга оширишда ва ҳаётга татбиқ қилишда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги муҳандислар ва дастурчи ходимларга эҳтиёж кескин ортиши, қолаверса, иқтисодиётимизнинг ривожланишида ва унинг барқарорлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси муҳандис ва дастурчиларининг ҳиссаси катта бўлиши ва алоҳида ўрин тутиши ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилиши лозим.

Илова: электрон кўринишда.

Вазирнинг биринчи ўринбосари в.в.б.

Қ.Бекбаулиев

Ижрочи: Р.Худайбергенов
Тел: 93 485 17 51

